

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ШИФОХОНАСИДА COVID-19 КАСАЛЛИГИ БИЛАН ДАВОЛАНГАН БОЛАЛАР ВА КАТТА ЁШЛИ БЕМОРЛАРДА КУЗАТИЛАДИГАН КЛИНИК-ЛАБОРАТОР КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҚҚОСЛАМА ТАҲЛИЛИ

Ахмедов Лочин Эгамберганович,
Мадримов Зоир Хасанович, Ахмедов
Ғиёсжон Озод ўғли

Ўзбекистон Республикаси Урганч шаҳри
Хоразм вилоят юқумли касалликлар
шифоҳонаси

Резюме. Ушбу тезисда Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифоҳонасида COVID-19 касаллиги билан даволанган катталар ва болаларнинг клиник лаборатор кўрсаткичлари таққослаб ўрганилган. Олинган натижаларга кўра COVID-19 нинг оғир шакли катталарда болаларга қараганда кўпроқ учрайди ва мос равишда 27.0% ва 0.0%. Катта ёшли беморларда иситма $\leq 38,5^{\circ}\text{C}$, қон ивиши тизимида ўзгаришлар ва пневмония мос равишда 82.7%, 73.1% ва 41.7 % ни ташкил қилган бўлса, болаларда бу кўрсаткичлар 6.25%, 27,1% ва 6.25% бўлган.

Калим сўзлар: COVID – 19, тана ҳароратининг кўтарилиши, С-реактив оқсил, клиник кечиши.

Summary. In this thesis, provided comparative data on the clinical and laboratory characteristics of the disease of COVID-19 in children and adults treated in the Khorezm Regional Hospital of Infectious Diseases. According to the results, frequency of the severe disease high in adults than children, which consists of 27,0% and 0,0% of patients respectively. While adults have 82,7%, 73,1% and 41,7% of Fever $\leq 38,5^{\circ}\text{C}$, overfunctioned coagulation system and pneumonia rates respectively, children have quite different percentage of the same symptoms consisting 6,25%, 27,1% and 6,25%.

Key words: COVID – 19, fever, children, clinical course.

COVID – 19 касаллигига қарши вакцина яратилган бўлсада, вируснинг трансформацияга тез учраб янги серологик шаклларда намоён бўлаётгани бугунги кунга келиб уни чуқурроқ ўрганиш заруриятини туғдирмоқда.

Тадқиқот мақсади: Хоразм вилоятида яшовчи болалар ва катталарда COVID – 19 касаллигининг клиник лаборатор хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг материал ва усуллари. Кузатувда жами 100 нафар COVID – 19 билан касалланган беморлар жумладан, 48 нафар болалар (48%) ва 52 нафар катта ёшли беморлар (52%) клиник белгилар намоён бўлиши ва лаборатор кўрсаткичлари бўйича ўрганилди. Катта ёшли беморларнинг ўртача ёши 60 ± 2.23 , болаларнинг ўртача ёши эса 1.7 ± 0.1 ёшни ташкил қилди. Болаларнинг шифоҳонада ўртача ўтказган ўрин куни 5.5 кунни ташкил қилган бўлиб, катталарда бу кўрсаткич 9.36 кунга тенг бўлди. Кузатилган барча беморларда ПЗР таҳлилида SARS CoV-2 мусбат натижа олинган. Кузатилган катта ёшли беморларнинг 31 нафарини (59.6%) аёллар 21 нафарини (40.4%)

эркаклар ташкил қилди. Болаларда эса бу кўрсаткич мос равишда 24 (50%) га 24 (50%)ни ташкил қилди. Катта ёшдаги беморларда ўрганилган ҳолатлардан 15 таси (28.8%) касалликнинг енгил шакли, 23 та ҳолатда (44.2%) ўрта оғир ва 14 та ҳолатда (27%) оғир кечиши кузатилган. Катта ёшдаги беморларда тана ҳарорати $\leq 38,5^{\circ}\text{C}$ бўлганлар 43 нафар (82.7%) бўлган. Шу жумладан энг кўп кузатилган клиник симптомлардан таъм ва ҳид сезгисининг пасайиши 48 (92,3%), қуруқ йўтал 47 (90.3%), ҳолизлик 45 (86,5%), кўп терлаш 38 (73.1%) ва кўкрак қафасида оғриқ 31 (59.6%) кузатилган. Бундан ташқари беморларнинг 25 нафарида (48.1%) анорексия, 21 нафарида (40.4%) кўнгил айнаши, 11 нафарида (21.2%) қайт қилиш ва 6 нафарида (11.5%) диарея ҳолатлари қайд қилинган. Касаллик ўрганилган болаларнинг 11 нафарида (23%) касаллик нисбатан енгил кўринишда кечган бўлса, 37 (77%) нафарида ўртача оғирликда кечган. Катталардан фарқли равишда болаларда тана ҳарорати $\leq 38,5^{\circ}\text{C}$ бўлганлар 3 нафар (6.25%) ни ташкил қилди. Энг кўп кузатилган белгилар қуруқ йўтал 18 (37.5%) ва кўп терлаш 15 (31,25%) бўлиб, ҳолсизлик, анорексия, қайт қилиш ва диарея аломатлари кам кузатилган ёки умуман кузатилмаган. Кўп ҳолларда болаларда касалликнинг ягона белгиси фақат тана ҳароратининг кўтарилиши бўлган.

Хар иккала гуруҳ беморларнинг рентгенограммалари кўрилганда катта ёшли беморларнинг 20 нафарида (41.7%) интерстициал пневмония аниқланган бўлса, бу белги болалар орасида 3 нафар (6.25%) беморда кузатилган. Беморларнинг қон таҳлиллари солиштирилганда катта ёшдаги беморларнинг 38 нафарида (73.1%) қон ивиш вақти меъёрдан камайган, 11 нафар (21,2%) беморда ЭЧТ 2 баравардан кўпроқ ошган, 8 нафар (16.67%) беморда АЛТ меъёрдан ортиқ, 9 нафарида (18,75%) АСТ фаоллиги ошган ва 16 нафарида (33.33%) С-реактив оксил кўрсаткичлари юқорилиги аниқланган бўлса, болаларда бу кўрсаткичлар мос равишда 13 (27.1%), 5 (10.4%), 3 (6.25%), 0 (0%) ва 3 (6.25%) нафар беморда кузатилган.

Хулоса: 1. Кузатувдаги бемор болаларда COVID – 19 касаллиги катталарга нисбатан енгил ва кам клиник белгилар билан кечиши аниқланди;
2. COVID – 19 касаллиги билан оғриган болаларда ўпка, жигар ва қон ивиш тизими катталарга нисбатан сезиларли даражада кам зарарланиши кузатилди.
3. Иммунологик жадаллик катта ёшдаги беморлардан фарқли равишда болаларда камдан кам ҳолларда намоён бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Systematic review of COVID-19 in children shows milder cases and a better prognosis than adults. *Acta Paediatrica*. 2020;109:1088–1095.
2. Wenjun Du, Jinhong Yu, Hui Wang, Xiaoguo Zhang, Shouwei Zhang, Qiang Li, Zhongfa Zhang. *Infection* (2020) 48:445–452, <https://doi.org/10.1007/s15010-020-01427-2>
3. <https://scholar.google.com>

